

Йўловчиларга янада сифатли хизмат кўрсатиш

Ватанимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб транспорт соҳасини ривожлантириш, аҳолига маданиятли ва сифатли транспорт хизматлари кўрсатиш даражасини юксалтириш, тизимнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилашга катта эътибор қаратилмоқда.

Мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши ва халқимиз ҳаёти фаровонлигининг янада яхшиланиши йўлида амалга оширилаётган саъи-харакатларнинг самарадорлиги республикамизда автомобиль саноати ривожланиши, транспорт воситалари кескин кўпайиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Замонавий талаблар даражасидаги динамик ва тезлик хусусиятлари юқори бўлган транспорт воситаларининг сони ва йўлларда ҳаракат жадаллиги йил сайин ўсиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, фуқароларимизнинг ҳаёти ва соғлигини, мол-мулкларини ҳимоя қилиш юзасидан самарали тадбирларни амалга оширишга эътиборни кучайтириш лозимлигини тақозо қилади.

Жорий йилнинг 20 ноябрдан 20 декабргача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Автотранспортда йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатиш ойлиги”, деб эълон қилинган.

Тадбирни самарали ўтказишдан мақсад эса соҳа ходимларини йўловчилар билан хушмуомалада бўлиши, транспорт воситаси ва унинг салонини тоза ҳолда сақлаш, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, ҳайдовчилар иш вақтида уяли телефонлардан фойдаланмасликлари, турли мулкчилик шаклидаги ташувчилар орасида рақобатбардошликтни ошириш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, йўналишларда транспорт қатнови интервалларига амал қилиш, уни бир маромда ишлашини таъминлаш, меҳнат ва йўналиш интизомини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиш, катта ёшдаги ва ногиронларга ҳурматда бўлиб, ёш болали ва ҳомиладор аёлларга жой бериб, қўпол муомалада бўлмаслик, ҳаракат жараёнида ҳайдовчини чалғитмаслик ҳамда автобус салони ва ўриндиқларига зарар етказмаслик, ҳайдовчи ва чиптачиларнинг кийиниш, муомала, нутқ маданиятини юксалтириш, даромадлар режасининг бекаму-кўст бажарилишини назорат қилиш, автомобиль транспортида йўловчилар ташиш қоидаларига ҳамда транспорт воситаларида йўловчилар ташиш хафсизлигини таъминлашга доир талабларга риоя қилишдан иборат.

Бугун республикамиз кўчаларида ҳар жиҳатдан кўркам, замонавий, қулай автоуловлар фуқароларга хизмат кўрсатмоқда. Йўловчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, транспорт воситаларида малакали ҳайдовчилар томонидан йўловчиларни ўз манзилига хотиржам етиб олишини таъминламоқда.

Ҳақиқатдан ҳам юрт фаровонлигини юксалтириш, турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Шаҳар ва қишлоқлар, йўллар қиёфаси кундан-кунга ўзгариб, гўзаллашиб бормоқда. Бу имкониятларнинг барчаси мустақиллик, иқтисодий эркинлик, тинчлик ва барқарорлик туфайли қўлга киритилмоқда. Шундай экан, бундай неъматларнинг қадрига етиб, катта маблағлар эвазига қад ростлаётган иншоотлар, иморатлар, транспорт воситалари, умуммиллий бойликларимизни эъзозлаш, авайлаб-асраш, халқимизга узоқ вақт хизмат қилишини таъминлаш барчамизнинг бурчимиздир.

“Автотранспортда йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатиш ойлиги” тадбирида фаол иштирок этишингизни сўраб қоламиз.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Ахборот хизмати